

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ- АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**СЕКЛЕР ДИЛДОРА ЭРКИНОВНА**

**HOST- ОМИЛЛАРНИНГ ОИВ/ОИТС ВА ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ С  
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ҲАМДА ВИРУСГА  
ҚАРШИ ДАВОЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the Doctor of Sciences (DSc) dissertation abstract**

**Секлер Дилдора Эркиновна**

Host- омилларнинг ОИВ/ОИТС ва вирусли гепатит С касалликларининг  
ривожланиши ҳамда вирусга қарши даволашдаги  
аҳамияти..... 3

**Секлер Дилдора Эркиновна**

Роль host- факторов в развитии заболевания и ответе на  
противовирусную терапию при ВИЧ/СПИД и вирусном гепатите С.... 25

**Sekler Dildora Erkinovna**

Role of the Host-Factors in HIV/AIDS and Hepatitis C in Disease  
Progression and Viral Response to the Treatment..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ- АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**СЕКЛЕР ДИЛДОРА ЭРКИНОВНА**

**HOST- ОМИЛЛАРНИНГ ОИВ/ОИТС ВА ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ С  
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ҲАМДА ВИРУСГА  
ҚАРШИ ДАВОЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3DSc/Tib387 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Таджиев Ботир Мирхашимович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Залялиева Марьям Валиахмедовна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Шадманова Наргиза Абитовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**McMahon, Brian J.**  
MD, PhD, профессор (АҚШ)

**Етакчи ташкилот:**

**Федерал тиббий биологик агентлигининг  
«Болалар илмий-клиник юқумли  
касалликлари маркази» (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru). Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1 қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Л. Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н. У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Н. С. Атабеков**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Одам иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) ва вирусли гепатит С (ВГС) дунё миқёсидаги жамият соғлиқни сақлаш муаммоларининг асосийларидан бири бўлиб қолмоқда. ЖССТ нинг маълумотларига кўра, «... ҳозирги кунда 38 миллионга яқин одамлар ОИВ инфекцияси билан ва 71 миллиондан ортиқ киши ВГС билан яшамокда»<sup>1</sup>. Кўрсатилган минтақалар «...ВГС юктиришнинг энг юқори даражасига эга (>3,5%)...»<sup>2</sup>. ОИВ инфекциясига ёки ВГСга қарши самарали вакцина бугунги кунгача мавжуд эмас, шу билан бирга касалликларнинг кечиши ва ривожланиши, вирус штаммларининг географик тарқалиши, шунингдек этник гуруҳлар хусусиятларига боғлиқ ҳолда фарқ қилади. Шу жиҳатдан, ОИВ ва ВГС инфекцияларини ўз вақтида ва эрта ташхислашнинг замонавий усулларини қўллаш, даволаш ва профилактика жараёнларини такомиллаштириш, ўлим ҳолатларини олдини олиш амалий тиббиётнинг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ОИВ ва ВГС инфекцияларининг клиник кечиши ва ривожланишига таъсир қилувчи генетик омилларнинг ўзгарувчанлиги ҳамда даволаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан одам ДНК-сини тўлиқ геном тадқиқотларини ўтказиш ва турли оксилларга таъсир қилиш учун жавоб берадиган генларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган бир нуклеотидли мутацияларини (SNP-ингл. single nucleotide polymorphism) аниқлаш, SNP генотиплаш усулини оптималлаштириш, ОИВ ва ВГС инфекцияларнинг клиник кечишига, ривожланиши ва даволашга таъсир қилувчи генетик омилларнинг ўзгарувчанлигини аниқлаш, вирус юктириб олган шахсларнинг этник мансублиги, ОИВ -инфекцияси билан касалланган беморларда касаллик ривожланишини башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш, ОИВ инфекцияси ҳамда ВГС тарқалишига самарали қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳамда жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқумли касалликларни хусусиятлари, жумладан ВГС ва ОИВ-инфекцияларини ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни олдини олиш»<sup>3</sup> каби вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, ВГС ва

<sup>1</sup>World Health Organization web site, Global hepatitis report, 2017; <https://www.who.int/en/news-room/fact-sheets/detail/hepatitis-c>; Global AIDS update. Geneva: UNAIDS. 2020 - <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/255017/WHO-HIV-2017.06-eng.pdf?sequence=1>

<sup>2</sup>Ruzibakiev R, Kato H, Avazova D, et al. Risk factors and seroprevalence of hepatitis B virus, hepatitis C virus, and human immunodeficiency virus infection in Uzbekistan. *Intervirolgy*. 2001; 44(6): с 327-332

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморларни ташхисоти ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим сабабларини камайтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3493-сон «Ўзбекистон Республикасида одам иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи.<sup>4</sup>**

ОИВ ва ВГС инфекциялари билан боғлиқ бўлган одам генетик омилларини ўрганишга, шунингдек мазкур касалликлар ривожланишининг башоратлаш мезонларини ва вирусга қарши даволаш самарадорлигининг клиник-патогенетик жиҳатлари ва уларни оптималлаштиришга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Johns Hopkins University, Massachusetts Institute of Technology and Harvard Medical School, American Association for the Study of Liver Diseases, Center for Human Genome Variation, Duke University, National Institutes of Health, Bethesda (АҚШ), Goethe-Universität Frankfurt am Main (Германия), National Cancer Institute, University of Florence, (Италия); University of Lausanne (Швейцария), Nagoya City University (Япония); Пастер номидаги Эпидемиология ва микробиология ИТИ (Россия Федерацияси); Белорус давлат тиббиёт университети (Белоруссия), Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Иммунология ва одам геномикаси институти, Вирусология илмий-текшириш институти, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказида олиб борилмоқда (Ўзбекистон).

Жаҳонда вирусга қарши терапиянинг самарадорлиги ва унинг хавфсизлигига таъсир қилувчи омиллар ҳамда вирусли гепатит С нинг чидамлилигини аниқлаш муаммоларининг амалий ечимини таъминлашга йўналтирилган илмий

<sup>4</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://genome.duke.edu/>, <https://meded.hms.harvard.edu>, <https://www.ebi.ac.uk/gwas/home>, [www.yale.edu](http://www.yale.edu), [www.ucsd.edu](http://www.ucsd.edu), [www.unito.it](http://www.unito.it), [www.uvm.edu](http://www.uvm.edu), [www.niaid.nih.gov](http://www.niaid.nih.gov), [www.cams.cn](http://www.cams.cn), [www.bc.edu](http://www.bc.edu), [www.ucsf.edu](http://www.ucsf.edu); [www.ubc.ca](http://www.ubc.ca); [www.hsc.unm.edu](http://www.hsc.unm.edu); [www.unife.it](http://www.unife.it); [www.uog.edu.et](http://www.uog.edu.et); [www.ucl.ac.uk](http://www.ucl.ac.uk); [www.washington.edu](http://www.washington.edu); [www.upb.edu.co](http://www.upb.edu.co), <https://riv.uz/>, <http://immunology.uz>, ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

тадқиқотлар юзасидан қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: хромосомаларда ИФН-λ3-4 нинг муҳимлиги асосланган (University of Lausanne, Швейцария); прогностик биомаркерларини аниқлаш замонавий инфектологиянинг устувор йўналиши эканлиги исботланган (Duke University, National Institutes of Health, Bethesda, АҚШ); сўнгги йилларда қаршилик кўрсатиш эҳтимолини оширадиган кўп сонли омиллар орасида генетик омиллар эканлиги асосланган (Nagoya City University, Япония); беморларнинг генетик ўзгариши 50% ҳолатда дори воситаларининг самарасизлигини ёки ножўя таъсирини келтириб чиқариши исботланган (University of Birmingham, Англия); SNP (бир нуклеотидли полиморфизмлар) ва касалликларнинг, шу жумладан ОИВ ва ВГС нинг турли хил фенотиплари ўртасидаги ассоциатив боғлиқликларни аниқлашга имкон берадиган бутун геномли боғлиқликлар аниқланган (Goethe-Universität Frankfurt am Main, Германия), ОИВ билан зарарланишни камайтириш ва ўз вақтида ташхислаш асосланган (Пастер номидаги Эпидемиология ва микробиология ИТИ, Россия Федерацияси); касаликка қарши антиретровирус даволаш тизими исботланган (Белорус давлат тиббиёт университети, Белоруссия); ОИВ инфекцияли беморларда антиретровирус терапия самарадорлигининг клиник-патогенетик жиҳатлари ва уни оптималлаштириш тизими ишлаб чиқилган (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Иммунология ва одам геномикаси институти, Вирусология илмий-текшириш институти, Ўзбекистон); host- омилларнинг ОИВ/ОИТС ва вирусли гепатит С касалликларининг ривожланиши ҳамда вирусга қарши даволашдаги аҳамияти асосланган (Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда Host-омилларнинг ОИВ/ОИТС ва вирусли гепатит С касалликларининг ривожланиши ҳамда вирусга қарши даволашдаги аҳамиятини баҳолаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: вирусли инфекцияларга чалинган беморларни эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини мувофиқлаштириш; вирусга қарши даволашга чидамлилиқ пайдо бўлишига ёрдам берадиган энг муҳим генетик омилларни аниқлаш; турли оксилларга таъсир қилиш учун жавоб берадиган генларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган бир нуклеотидли мутацияларини (SNP-ингл. single nucleotide polymorphism) аниқлаш; SNP генотиплаш усулини оптималлаштириш; ОИВ ва ВГС инфекцияларнинг клиник кечишига, ривожланиши ва даволашга таъсир қилувчи генетик омилларнинг ўзгарувчанлигини аниқлаш; вирус юқтириб олган шахсларнинг этник мансублиги, вируснинг тарқалиш географияси, ОИВ - инфекцияси билан касалланган беморларда касаллик ривожланишини башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш; ОИВ инфекцияси ҳамда ВГС тарқалишига самарали қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда дунёнинг турли минтақаларида ОИВ ва ВГС инфекциясини юқтириш, касалликларининг клиник кечиши ва натижалари кўп тадқиқотлар фарқланишини кўрсатди. Аввал, вирусга қарши клиник муолажаларнинг кечиши ва самарадорлигини башоратлаш вирус юкламаси ва вирус генотипини аниқлашда амалга оширилар эди (Туйчиев Л.Н.,

Ахмедова М.Д., Таджиев Б.М ва бошқ., 2018; Deeks SG, Walker BD, 2007; Younossi, Z., J. Kallman, and J. Kincaid, 2007). Бирок, сўнгги ўн йил ичида вируснинг ривожланиши ва эволюциясини тушуниш, шунингдек вирус-ташувчи ўзаро алоқаси сезиларли ўзгаришларга учради. Олимлар вируснинг ҳамда ташувчининг иммунологик динамикаси ва генетик хусусиятларига диққат билан эътибор беришни бошладилар (Абдуқодирова М.А. ва бошқ., 2012; Хаитов Р.М. ва бошқ., 2019; Casado C, Colombo S, Rauch A, et al., 2010; Montes-Cano, M. A., et al. 2010). HLA-B молекулалари бошқа 1-классдаги HLA бошқа молекулалар билан таққослаганда вирусга қарши ЦТЛ танлашда доминант роли кўрсатилган.

Тўлиқ геномлар бўйича бажарилган қатор тадқиқотларда HCP5 –35 HLA-C генлар соҳасида, SNP rs2395029 ва rs9264942 ҳамда вирусли юклама назорати ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланди (Fellay J, Ge D et al, 2009). Баъзи тадқиқотлар Европа минтақаси учун энг мақбул SNP бўлиб rs12979860 ҳисобланишини, Осиё мамлакатлари учун эса rs8099917 энг маълумотли SNP бўлганини кўрсатди (Худайберганова Д, Мусабаев Е. ҳаммуал., 2014; Ge, D., et al. Tanaka et al., 2009; Kurbanov F, 2014).

Ўзбекистонда маҳаллий адабиёт маълумотлари бўйича маълум бўлдики, маҳаллий аҳоли ва ОИВ билан касалланганлар орасида ОИВ-1 инфекциясини юқтиришнинг тарқалганлигини ва барқарорлигини баҳолашда илк бор CCR5 Δ35 мутацияси гомозигота ҳолатида маҳаллий аҳолининг 1,8 фоизида, гетерозиготали вариантда аҳолининг 10,5 фоизида учраши аниқланди (Заялиева М.В, 2007). Маълумотларнинг барчаси ўзбек популяциясида генетик омилларни чуқур тадқиқ этиш мақсадга мувофиқлигини ва касаллик ривожланишининг патогенетик жиҳатларини, клиник кечишини ва етакчи прогностик биомаркерлар асосида вирусга қарши даволашни ўрганишга оид тадқиқотларни ўтказиш зарурлигини таъкид қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ ФДСС 12-11 сонли «Вирус ва бемор геномидаги муҳим мутацияларни аниқлаш, ОИВ инфекцияси ва сурункали вирусли гепатит С ни даволашнинг самарадорлигини аниқлаш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа да оирасида бажарилган (2012-2016 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** host-омилларнинг ОИВ/ОИТС ва вирусли гепатит С касалликларининг ривожланиши ҳамда вирусга қарши даволаш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

одам геномидаги бир нуклеотидли мутацияларнинг (SNP) полиморфизмини тақсимланишини баҳолаш ҳамда SNP генотиплаш ташхисотини усулини оптималлаштириш;

ОИВ-юқтирганларда ОИВ/ОИТС касаллигининг ривожланиш динамикасини башорат қилиш учун I синфга мансуб HLA молекулаларининг A, B ва C локусларини генотипик ва аллел тўпламини баҳолаш;



PRMT6, -35 HLA-C, HCP5, SOX5 ва CCL3 генларининг SNP полиморфизмини ОИВ/ОИТС касаллик ривожланиши билан боғлиқлигини баҳолаш;

ОИВ-юқтирган шахсларда вирусга қарши препаратлари билан даволашда CCHCR1 гени соҳасидаги SNP полиморфизми билан боғлиқликни баҳолаш;

IFN λ3, λ4 ген соҳасидаги SNP полиморфизмини, уларнинг этник гуруҳларда тарқалишини, ўз-ўзидан тозаланишини ва вирусга қарши даволаш билан ВГС да ўзаро боғланишини баҳолаш.

β3 локуснинг гетеротример G оксили SNP rs5443 полиморфизми ва ВГСдаги интерферон воситалари билан даволаш самараси ўртасидаги тарқалиш ва ўзаро боғлиқликни баҳолаш.

ОИВ -инфекцияси билан касалланган беморларда касаллик ривожланишини башоратлаш кўрсаткичларини ташхислаш усулини ишлаб чиқиш; ВГС юқтирган ларда интерферон терапияга жавобини башоратлаш тизимини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-малий тиббиёт маркази, Республика ОИТСга қарши кураш маркази, Иммунология ва одам геномикаси институти ҳамда Вирусология илмий-текшириш институти клиникасида диспансер кузатувидаги 650 нафар беморлар олинган, улардан 450 нафари вирусли гепатит С билан касалланган беморлар, 100 нафари ОИВ-инфекцияси билан касалланганлар ва 100 нафар ОИВ-инфекцияси ва ВГС манфий бўлган беморлар.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ОИВ ва ВГС-инфекцияси билан касалланган беморларнинг қондаги серологик ва генетик текширувларини ўтказиш учун веноз қон таҳлил материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун иммунофермент таҳлил, полимераза занжир реакцияси, секвенлаш, Invader Plus ва TakMan Probe инновацион дастурлари ва статистик (STATA, Epi Info ва SPSS 2.0 таҳлилий усуллар) усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

ОИВ/ОИТС билан касалланган беморларда PRMT6, SOX5, 35-HLA-C, HCP5 ва CCL3 генлардаги бир нуклеотидли мутациялар сабабли касалликнинг ривожланиши исботланган;

ўзбек популяцияси учун аҳамиятли бўлган I-синфга мансуб HLA молекулаларининг антигенлари ОИВ/ОИТС касаллигининг ривожланишига таъсир қилувчи омил сифатида асосланган;

вирусли гепатит С юқтирганларда касалликдан ўз-ўзидан халос бўлиш ва интерферон билан даволашнинг вирусга қарши самарадорлигини башоратлаш IFN-λ3/rs12979860 ва IFN-λ4/ss469415590 полиморфизми сабабли бўлиши, ҳамда ўртасидаги боғлиқлиги исботланган;

ўзбек популяциясида вирусли гепатит С юқтирганлар ўртасида вирусга қарши чидамлик билан SNP rs5443/CC генотипининг мавжудлиги орасидаги боғлиқлик асосланган;

ОИВ юқтирганларда касаллик ривожланиши ва ВГС билан касалланган беморларда SNP генотипларини аниқлаш асосида вирусга қарши даволаш самарадорлигини башоратлаш тизими такомиллаштирилди.

**Тадқиқотларнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ОИВ/ОИТС билан касалланган беморларда ССНCR1 ва НСР5 генлардаги бир нуклеотидли мутациялар антиретровирус даволаш таркибига кирувчи дори воситаларига юқори сезувчанлик ривожланиши билан боғлиқлиги исботланган;

ОИВ / ОИТС касалликнинг ривожланиш тезлиги билан боғлиқ муҳим башоратлаш кўрсаткичлари асосланган;

ОИВ юқтирган беморларда вирусга қарши дори-воситаларга юқори сезувчанлик ривожланишининг прогноз маркерлар ҳисобланган одам генетик омиллари исботланган;

ВГСга чалинган беморларда интерферон препаратлари билан даволаш мезонларини мақбуллаштиришга имкон берувчи IFN  $\lambda$ 3,  $\lambda$ 4 генлари башоратлаш кўрсаткичлари баҳоланган;

ВГС билан зарарланган беморларда вируснинг ўз-ўзидан тозаланиши билан боғлиқ башоратлаш кўрсаткичлари тадбиқ этилган;

ОИВ юқтирганларда касаллик ривожланишини ва ВГС билан касалланган беморларда даволаш самарадорлигини башоратлаш учун услубий ёндашувлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** амалга оширилган тадқиқот ишида қўлланилган барча ёндашувлар, усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулининг қўлланганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи серологик, молекуляр-генетик ва статистик усулларига таянганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти одамнинг генетик омилларини ўрганиш бўйича назарий билимлар даражасини кенгайтиришга ва ОИВ инфекцияси ҳамда ВГС нинг ижобий ва салбий кечишининг башоратлаш кўрсаткичлари баҳолангани, ушбу инфекцияларни ташхислаш учун серологик, молекуляр-генетик (полиморфизм ва мутациялар) текширишларнинг ташхисий маълумотлилиги (қиймати) ҳамда SNP генотипларига боғлиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ОИВ юқтирган беморларда вирусга қарши дори-воситаларга юқори сезувчанлик ривожланишининг башоратлаш кўрсаткичларини ташхислаш самарадорлиги асосланди ва ВГСга чалинган беморларда интерферон препаратлари билан даволаш мезонларини мақбуллаштиришга имкон берувчи IFN  $\lambda$ 3,  $\lambda$ 4 генлари прогностик маркерлар аниқлаш асосида қиёсий – ташхисий мезонлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Host- омилларнинг ОИВ/ОИТС ва вирусли гепатит С касалликларининг ривожланиши ҳамда

вирусга қарши даволашдаги аҳамиятини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

беморларда вирусли гепатит С ни даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Вирусли гепатит С ни интерферон билан даволаш самарадорлигини башоратлаш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 8н-р/642-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ВГС ни этиотроп даволашни қўллаш, шунингдек эрта ташхислашни ахборотлаш ва олдини олишнинг самарали амалга ошириш имконини берган;

беморларда ОИВ-инфекциясини эрта ташхислаш ва клиник-лаборатор кечишини башорат қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида «ОИВ/ОИТС касаллигининг ривожланишини башоратлаш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 8н-р/643-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ОИВ-инфекциясини ташхислаш сифатини оширишга, ривожланишини башоратлаш ҳисобига ўлим ҳолатларини камайтириш имконини берган;

беморларда вирусли гепатит С ни даволаш усуллари такомиллаштириш ҳамда ОИВ-инфекциясини эрта ташхислаш ва клиник-лаборатор кечишини башорат қилиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий -амалий тиббиёт маркази, Республика ОИТСга қарши кураш маркази ва «Vitros Diagnostics» хусусий диагностик лабораториялари амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 3 июндаги 8-4/5287-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ОИВ-инфекцияси ва ВГС касаллигини кечишини башоратлаш, эрта ташхислаш ва даволашда қиёсий ёндашув ҳисобига ўтказилаётган вирусга қарши даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси Фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, илмий иш апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«ОИВ инфекцияси ва ВГС ning этиопатогенетик хусусиятлари ва инсоннинг генетик омиллари тўғрисидаги замонавий тасаввурлар»** деб номланган биринчи бобида адабиёт манбалари шарҳи баён этилган ва ОИВ/ОИТС ва ВГС ning этиопатогенези, ташҳисоти ва даволаш соҳасидаги асосий ютуқларига оид илмий материаллар акс эттирилган. Вируслар ва ташувчи омилларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича илмий маълумотлар батафсил ёритилган. Турли хил популяциялардаги ОИВ ва ВГС вирусларига қарши муолажанинг клиник кечишига ва натижаларига таъсир кўрсатувчи тегишли генлар соҳасидаги бирнуклеотидли полиморфизмлар ўртасидаги аниқланган ассоциатив боғлиқликлар бўйича асосий кашфиётлар таҳлил қилинди, улардан прогностик биомаркер сифатида фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг **«Бевосита материалнинг умумий тавсифлари ва тадқиқотнинг host-омилларнинг аниқловчи асосий усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширилган контингент тавсифланган. Қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ тадқиқотнинг асосий босқичлари белгилаб олинди. Фойдаланилган тадқиқот усуллари, шу жумладан икки усулда SNP генотиплаш, бевосита секвенирлаш замонавий дастурлардан фойдаланган ҳолда статистик усуллар билан тавсифланган. Ҳар бир усул бўйича амплификациялар дастурлари, шунингдек SNP-генотиплаш учун фойдаланилган асосий праймер-синамаларнинг кетма-кетликлари берилган


Диссертациясининг **«SNP ларнинг генотиплаш ПЗР усулини аниқлаш ва оптимизациялаш»** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон ҳудудида яшовчи этник гуруҳлар учун энг мос генотиплаш усули ва энг маълумотли SNP ларни танлаш усули батафсил тавсифланган.

Тадқиқотимизнинг биринчи босқичи бўлиб Ўзбекистон ҳудудида лаборатория шароитида SNP генотипини яратиш учун энг мос усулни аниқлаб олиш эди. Бирнуклеотидли мутацияларини аниқлашнинг энг аниқ усули бу секвенирлаш ҳисобланади. Бироқ, ушбу усулнинг юқори нарҳини ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда биз ПЗР генотиплашнинг энг тежамкор, бажарилиши осон ва аниқ усулини аниқлаш учун учта турли усуллар билан тадқиқот ўтказдик. Бунинг учун биз ВГС юқтирган 450 нафар намунадан 270 нафар юқтирган шахсларнинг ВГС синамаларини танлаб олдик ва учта турли хил усулларда - TaqMan Assay, Invader Plus Assay ва тасдиқловчи тест сифатида бевосита секвенирлаш усулларида синовдан ўтказдик.

Ушбу усулларни синаб кўришда олинган натижаларга кўра, 100% ва 99,2% ҳолларда - юқоридаги икки усул натижалари ва тўғридан-тўғри кетма-кетлик ўртасида тасодиф бўлган, фарқлар атиги 0,9% ни ташкил этди (1-расм).

IL28B/λ3 ва λ4, шунингдек ITPA генлари соҳасида SNP полиморфизминини таҳлил қилишдан олинган натижалар, аниқланган ассоциатив боғлиқликлар сабабли барча SNP-лардан фойдаланиш имконияти

ва интерферон муолажасига жавобни прогнозлаш учун фойдаланилган усулларидан бири ҳақида хулоса чиқаришимизга имкон беради.



**1-расм. Уч усулда SNP генотиплаш натижалари**


Шу билан бирга, ушбу прогностик маркерларнинг ўзбек популяциясида энг кўп тарқалганлиги сабабли иккита rs8099917 ва rs12979860 SNP лари бўйича ПЗР генотиплашни тавсия этамиз. Ва тавсия этилган TakMan Probe усули янада тежамкор, арзон ва осон амалга оширилади, бу эса уни соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш ва ихтисослаштирилган илмий-амалий муассасаларнинг клиник-лабораториявий амалиётида янада кенгроқ фойдаланишга имкон беради.

**«ОИВ билан касалланганларда HLA I-класс молекулаларнинг генотипик ва аллел таркибини ўрганиш»** деб номланган тўртинчи бобида иммун тизими бўғинларининг функционал ҳолати ва антигенларни таниб олиш молекуляр жараёнларини ва уларга иммун жавобини таъминлайдиган HLA генларининг оқсил маҳсулотларининг хужайра мембраналарида таъсирланиш даражаси намойиш этилган. ОИВ юқтирган 53 нафар беморда 12 йил давомида назоратимиз остида бўлган 1 классдаги HLA антигенларининг тарқалишини таҳлил қилдик. Шу вақт ичида 18 нафар бемор турли сабабларга кўра назаримиздан тушиб қолди (кўчиб кетди, қамоқхонага тушиб қолди, вафот этди ва ҳоказо). Қолган 35 нафар бемор ОИВ/ОИТС касаллигининг ривожланиш жадаллигига қараб 3 гуруҳга бўлинди - тез ривожланиш (2-5 йил), нормал (5-10 йил), секин (10-12 қилдан ортик).

Диаграммада (2-расм) ОИВ билан касалланган беморларда 1-класс антигенларининг тақсимланиши назорат билан таққослаб кўрсатилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, беморларда жами 38 та антиген ифодаланган: А локусда - 12 та антиген, В-локусда - 20 та антиген, С-локусда - 6 та антиген.

Барча ифодаланган аллеллардан ҳ2 бўйича аҳамияти куйидаги антигенлар учун белгиланган: А локуси - А10, А25, А28; В локуси - В16, В21, В22, В27, В35 ва С локуси - Сw4, Стюдент бўйича аниқлик кўрсаткичлари  $p < 0,05$  билан. Шу

билан бирга, А локусида, ажратилган учта аллелнинг барчаси ривожланиш маркерлари сифатида, В локусида эса HLA-B27 ва B35 ҳимоя аллеллари сифатида аниқланди.




**2-расм. ОИВ / ОИТСнинг тез авж оладиган беморлар орасида HLA антигенларининг учраш частотаси**

Изоҳ \*- $P < 0,05$ ; \*\*- $P < 0,01$ ;

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ушбу муҳим HLA антигенларнинг барчасида-Sw4 беморларда назорат гуруҳига қараганда камроқ учраган, ушбу асос мазкур антигеннинг ҳимоя роли ҳақида далолат беради.

Жами ушбу тадқиқотда умумий гуруҳда гаплотип ассоциациясининг 87 та варианты кузатилди: тез ривожланаётган беморлар гуруҳида - 20 та гаплотип, нормал ривожланиш билан - 72 та гаплотип ва секин ривожланаётган гуруҳда - такрорсиз бор-йўғи 12 та гаплотип. Статистик таҳлилда  $\chi^2$  ва Стьюдент мезони



**3-расм. HLA гаплотипларининг ОИВ-юқтирганлар орасида тақсимланиши**

Изоҳ:  $\chi^2$  - RR - нисбий хавф кўрсаткичи; P - Стьюдент бўйича аниқлик мезони; Pс - Бонферони бўйича тузатилган; нд - ишончли эмас.


бўйича 55 та муҳим гаплотип аниқланди; Бонферони (1965) бўйича тузатилган P (Pc) қиймати уларнинг касаллик билан ҳақиқий алоқаларини очиб бермади. Қуйидаги графикдан кўриниб турибдики (3-расм), A25 / B35 ( $-2 = 43.65$ ,  $RR = 50.2$  гаплотиби энг кўп учраган;  $P < 0.001$ ; Pc – и.э.).

Шуни таъкидлаш керакки, кучли ёки ҳатто ўртача даражадаги «антиген-касаллик» ассоциатив алоқалар камдан-кам ҳолларда аниқланади. Ассоциатив алоқаларнинг аксарияти заиф ифодаланган қаторига киради, бу уларнинг ҳар бир шахсда юзага келиши мумкин бўлган касалликлар хавфи даражасини аниқлашга яроқлилигини англайди.

ОИВ юқтирган алоҳида беморда генотипик ва аллел тўплами касалликнинг ривожланиш динамикасини баҳолашда ва вируснинг ташувчи омиллар билан ўзаро таъсирини ўрганишда асос бўлиши мумкин, унинг давомийлиги ўнлаб йиллар давом этиши мумкин, ҳатто вирусга қарши муолажалар ўтказилмаганда ҳам.

Диссертациянинг «SNP генотипларнинг ОИВ/ОИТС касаллиги билан боғлиқлигини аниқлаш» деб номланган бешинчи бобида, PRMT6, SOX5, HCP5, –35 HLA-C, CCHCR1, CCL3 генлари соҳасида 6 SNP ўрганилди, улар вирус юкламаси назорати, ОИВ/ОИТС касаллигининг ривожланиши ва вирусга қарши муолажалар жавоби билан энг юқори даражада боғлиқлигини кўрсатди.

Дастлабки синов SNP генотиплашнинг энг қулай усули сифатида илгари синовдан ўтган ва танлаб олинган TakMan Probe синовидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Фенотип сифатида вирусли юклама кўрсаткичлари ва вирусли назорат давомийлигидан фойдаланилди. Чизикли регрессия усули ёрдамида ассоциатив алоқаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, иккита асосий локус вирусологик назорат билан, яъни касалликнинг секин ривожланиши билан энг юқори боғлиқликка эга (4-расм).



**4-расм. Тез ва секин ривожланадиган гуруҳлар билан таққослаганда ассоциацияланган SNP ларни аниқлаш учун  $\log_{10}(P)$  қиймати) да одам аутосомаларининг тақсимланиши**

*Изоҳ:* қизил чизик билан FDR чегараси белгиланган (25%); Chr - хромосомалар

Бутунгеномли GWAS тадқиқотларини ўтказишда ҳозирги вақтда ишончилиқнинг стандарт кўрсаткичи бўлиб  $5 \times 10^{-8}$  дан паст бўлган P қиймати ҳисобланади. HLA молекулаларининг 5-генетик комплекси яқинида жойлашган шундай аҳамиятли локуслардан бири бўлиб MHC-I классси (HCP5) соҳасида жойлашган ва SNP rs2395029 деб қайд этилган генлардир.

Генотишлаш натижалари SNP rs4118325 (PRMT6) ва rs1522232 (SOX5) ўртасида тез ривожланувчи юқори ассоциатив боғлиқликни кўрсатди ( $p < 0.001$ ). Шунингдек, SNP rs2395029 / C (HCP5), rs9264942 / G 35 HLA-C ва rs5029410 / C CCL3 бўйича ОИВ/ОИТСнинг секин ривожланиши билан боғлиқ бўлган аҳамиятли ассоциациялар аниқланди (1-жадвал).

CCHCR1 ва HLA-B\* 57 (HCP5) генлари соҳасидаги rs1265112 ва rs2395029 SNP лари юқори даражадаги сезувчанлик (кичишиш, тошма, қизариш ва бошқалар) кўринишида биринчи ҳолатда NVP+AZT+3TS ва иккинчи ҳолатда ABC+3TS+EFV схемаси бўйича ART олган беморларда ножўя таъсирларнинг ривожланиши билан юқори даражадаги ассоциацияни кўрсатди (5-расм).


Касалликнинг ривожланиши учун ҳам, ОИВ/ОИТС да вирусга қарши ўтказилаётган муолажа учун ҳам прогностик маркерлардан кенг қўллаш амалиётини жорий этиш муолажа ўтказишда мойилликни кучайтиришга олиб келади, бу эса ўз навбатида вирусга қарши дори-дармонларга чидамли вирус штаммларнинг пайдо бўлиши ва айланиши хавфини камайтириб, натижада беморлар орасида касалланиш даражасини ва ўлим ҳолатлари даражасини пасайтиради.

#### 1-жадвал

#### Касалликнинг тез ва секин кечадиган ОИВ-юқтирганлар гуруҳидаги SNP генотишлаш полиморфизмларининг қиёсий тавсифи

SNP	Ген	Тез прогрессия	Секин прогрессия	Назорат груҳи	Fisher Exact test (p)
N		50	50	50	н.д
Ёши		39.9+/- 10.8	38.6 +/- 6.07	33.6 +/- 12.3	н.д
Жинси		f=12 / m=38	f=6 / m=44	f=21 / m=29	<0.001
rs4118325/G	PRMT6	15 (30%)	1 (2%)	6 (12%)	<0.001
rs1265112/T	CCHCR1	8 (16%)	6 (12%)	7 (14%)	н.д
rs2395029/ T	HCP5	2 (4%)	13 (26%)	9 (18%)	<0.001
rs9264942/ G	35 HLA-C	0	17 (34%)	7 (14%)	<0.001
rs1522232/C	SOX5	19 (38%)	1 (2%)	3 (6%)	<0.001
rs5029410/ C	CCL3	2 (4%)	15 (30%)	12 (24%)	<0.001





**5-расм. ART да юқори сезувчан бўлган ОИВ-юқтирганларни rs1265112 (CCHCR1) ва rs2395029 (HCP5) SNP генотиплаш натижалари**  
**Изоҳ:** lamivudine (ЗТС), abacavir (ABC), zidovudine (AZT), efavirenz (EFV), nevirapine (NVP) - антиретровирус терапияси

Олинган натижалар бўйича ОИВ/ОИТС билан касалланган беморларда касаллик ривожланиши ва антиретровирус даволашга таъсир кўрсатган полиморфизмларни ишлатиш алгоритми ишлаб чиқилди (7-расм).

Диссертациясининг «IFN λ3- λ4 ген соҳасидаги SNP генотипларнинг этник гуруҳларда тарқалиши ва уларнинг ВГСдаги аҳамияти» деб номланган олтинчи бобида турли хил SNP лар бўйича аллеллар тақсимланишини батафсил ўрганиш мажор аллелларнинг энг катта фоизи Осиё этник гуруҳларига тўғри келишини кўрсатди (ўзбеклар орасида 48,2% гача корейслар орасида 100% гача). Барча SNP лар бўйича мажор аллеллар Европа популяциясида сезиларли даражада паст эди, улар орасида гетерозиготали генотиплар устунлик қилди (42,1 дан 45,1% гача), SNP rs8099917 ва rs1127354 бундан мустасно, барча гуруҳларда бўлгани каби мажор аллеллар устунлик қилди (2-жадвал).

ITPA гени соҳасида SNP rs1127354 бўйича генотиплашда қизиқарли факт аниқланди. Минор аллеллари бор-йўғи 2 ҳолатда ва фақат ўзбек популяцияларида (0,6%) аниқланди. Бу популяциянинг ўзига хос хусусияти бўлиши мумкин, аммо, шунингдек, бошқа икки этник гуруҳда намуна камлиги билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

#### **IFNλ3 ва IFNλ4 генлари соҳасидаги SNP полиморфизми, ҳамда ВГС вирусга қарши даволаш самарадорлиги**

Бир юз ўттиз беш нафар бемор (87,5% - СА ва 12,5% - ВЕ) комбинацияланган вирусга қарши муолажаларни 24 ёки 48 ҳафта давомида Рег-IFN-а ва RBV стандартлари бўйича олдилар.

Шунингдек, СА ва ВЕ гуруҳларида NVR беморларининг тарқалиш фоизида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланмади (мос равишда 21,2% ва 35,2%;  $p < 0,32$ ). Ҳар бир этник гуруҳда VR ва NVR гуруҳларида IL28B ва IFNλ4 генларининг SNP участкаларида тарқалишида сезиларли фарқ аниқланди. Ҳар бир SNP бўйича клиник кўрсаткичларни баҳолаш учун биз ҳар бир SNP бўйича статистик таққослашни ўтказдик ва ҳар бир этник гуруҳ бўйича VR ва NVR беморлари ўртасидаги кўрсаткичларни таққосладик. (4-жадвал).

2- жадвал

Этник гуруҳларда муҳим бешта SNP ларнинг тақсимланиши

		Этник гуруҳлари			Умумий сони
		Европаликлар	Ўрта Осиёликлар	Кореяликлар	
rs11881222**	MI	7 (18,4%)	18 (6,2%)	0 (,0%)	25 (7,4%)
	HE	17(44,7%)	125 (43,4%)	0 (,0%)	142 (42,1%)
	MA	14 (36,8%)	145 (50,3%)	12 (100,0%)	170 (50,4%)
Умумий осни		38 (100,0%)	288 (100,0%)	12 (100,0%)	337 (100,0%)
rs8103142**	MI	9 (23,7%)	28 (9,7%)	0 (,0%)	37 (10,9%)
	HE	16 (42,1%)	121 (41,7%)	0 (,0%)	137 (40,4%)
	MA	13 (34,2%)	141 (48,6%)	12 (100,0%)	165 (48,7%)
Умумий осни		38 (100,0%)	290 (100,0%)	12 (100,0%)	339 (100,0%)
rs8099917*	MI	4 (8,0%)	11 (3,3%)	0 (,0%)	15 (3,8%)
	HE	13 (26,0%)	100 (29,6%)	0 (,0%)	113 (28,2%)
	MA	33 (66,0%)	227 (67,2%)	12 (100,0%)	272 (68,0%)
Умумий осни		50 (100,0%)	338 (100,0%)	12 (100,0%)	400 (100,0%)
rs12979860*	MI	9 (17,6%)	25 (7,4%)	0 (,0%)	34 (8,4%)
	HE	23 (45,1%)	151 (44,4%)	0 (,0%)	174 (43,2%)
	MA	19 (37,3%)	164 (48,2%)	12 (100,0%)	195 (48,4%)
Умумий осни		51 (100,0%)	340 (100,0%)	12 (100,0%)	403 (100,0%)
rs1127354*** ITPA	MI	0 (,0%)	2 (,6%)	0 (,0%)	2 (,5%)
	HE	9 (18,0%)	52 (15,6%)	3 (25,0%)	64 (16,2%)
	MA	41 (82,0%)	280 (83,8%)	9 (75,0%)	330 (83,3%)
Умумий осни		50 (100,0%)	334 (100,0%)	12 (100,0%)	396 (100,0%)

\* Pearson Chi-Square p=0.001; \*\* Pearson Chi-Square p=0.071; \*\*\*Pearson Chi-Square p=0.870

3-Жадвал

Вирусга қарши муолажаларнинг тўлиқ курсини олган сурункали ВГС-юқтирган беморлар гуруҳидаги генотиплаш кўрсаткичлари

		ЎО			ШЕ			ЖАМИ		
		VR	NVR	p	VR	NVR	p	VR	NVR	
		p								
n.		93	25* (21.2)		11	6* (35.2)		104	31	
Ёши (± SD.)		39.7 ±1.5	39.7 ±3.2	0.437	45.2 ±3.6	39.3 ±5	0.36	40.6± 1.3	37.9 ±2.9	0.346
Вирус микдори (сред. x10 <sup>6</sup> ±SD.)		3.1 ±8.9	4.2 ±2.3	0.609	1.6±6	1.2±5	0.66	2.9 ±6.7	3.4 ±1.7	0.727
IL28B (rs8099917)	MA: n (%)	71 (76.4)	8(32)	<0.001	8 (72.7)	3(50)	0.6	79 (76)	11 (35.5)	< 0.001
	HE&MI: n (%)	22 (23.6)	17 (68)		3 (27.3)	3(50)		25 (24)	20 (64.5)	
IL28B (rs12979860)	MA: n (%)	47 (50.5)	4(16)	0.003	5 (45.5)	1 (16.6)	0.33	52 (50)	5 (16.1)	< 0.001
	HE&MI: n(%)	46 (49.5)	21 (84)		6 (54.5)	5 (83.4)		52 (50)	26 (83.9)	
IFNL4 (ss469415590)	MA: n (%)	47 (50.5)	4(16)	0.003	5 (45.5)	1 (16.6)	0.33	52 (50)	5 (16.1)	< 0.001
